


## XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Мустақиллик йилларида транспорт ва коммуникация тизимини стратегик ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Республикада транспорт мустақиллиги таъминланди ва республиканинг барча ҳудудларини бир-бири билан боғлайдиган миллий тизим яратилди. Мамлакатимизда яратилган самарали транспорт тизими ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва бошқа мамлакатлар билан интеграциялашув омилидир.

Транспорт соҳасига қарийб 14,0 мингта корхона ва ташкилот жалб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг сони 11,9 фоизга кўпайди. 2019 йил январь-март ҳолатига транспорт соҳасида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 0,9 мингтага етди. 2018 йил январь-март ойларига нисбатан бу кўрсаткич 316 тага кўпайди.

### Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг таққосланиши (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2019 йил январь-март ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 255,4 млн. тонна юклар ташилди, бу 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 105,5 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, юк айланмаси 16,7 млрд. т-км ни ташкил этди ёки 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 3,6 % га юқори бўлди.

*Маълумот учун: 2019 йил январь-март ойларида Қозоғистон корхона ва ташилотлари томонидан 874,0 млн. тонна юк ташилган. Қирғизистонда транспортнинг барча турларида юк ташиш ҳажми 7,1 млн. тоннага тенг бўлган.*


Транспортнинг барча турларида юк ташиш бўйича автомобиль транспорти (219,4 млн. тонна) устунлик қилади. Қувур йўли транспорти орқали 18,7 млн. тонна нефть ва газ қуйилган, темир йўл транспорти орқали - 17,3 млн. тонна юк ташилди. Юк ташиш бўйича энг кичик кўрсаткич ҳаво транспортида 1,8 минг тонна қайд қилинди.

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2019 йил январь-март	2018 йил январь-мартга нисбатан %
<b>Транспортда ташилган юклар, млн.т</b>	<b>255,4</b>	<b>105,5</b>
темир йўл транспорти	17,3	103,6
автомобиль транспорти	219,4	105,4
ҳаво транспорти, минг т.	1,8	43,4
қувур транспорти	18,7	109,6
<b>Транспорт юк айланмаси, млн. т-км</b>	<b>16 746,6</b>	<b>103,6</b>
темир йўл транспорти	5 390,3	97,8
автомобиль транспорти	2 782,8	104,1
ҳаво транспорти	22,3	79,5
қувур транспорти	8 551,2	107,5

Умумий юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобиль транспорти – 85,9 % эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улуши 14,1 % га тўғри келади.

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби, %**  
(2019 йил январь-март ойлари учун)




2019 йил январь-март ойларида транспортнинг барча турларида юкларни ташишнинг жадал ўсиши кузатилмоқда. 2018 йил январь-март ойларида нисбатан юк ташиш ҳажми 13,4 млн. тоннага ошиб, ўсиш суръати 1,8 ф.п. га ўсди.

**Транспортнинг барча турларида юк ташиш ҳажми ва ўсиш суръатининг таққосланиши, %**




2019 йил январь-март ойларида умумий юк айланмаси ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 % ни ташкил этди.

**Транспорт турлари бўйича юк айланмасининг  
ҳажми ва ўсиш суръатлари  
(2019 йил январь-март ойлари учун)**



Қувур йўли транспорти юк айланмаси ўсиши 7,5 % ни ташкил этди, 2018 йил январь-март ойларидаги 0,7 фоиз ўсишга қараганда 6,8 ф.п. га ошди, шунингдек, автомобиль транспорти - 3,2 % ўрнига 4,1 % (0,9 ф.п. га ошди).

**Транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркиби, %  
(2019 йил январь-март ойлари учун)**



Умумий юк айланмаси ҳажмида 51,1 % улуш қувур йўли транспортига, 32,2 % улуш темир йўл транспортига, 16,6 % улуш автомобиль транспортига ва 0,1 % улуш ҳаво йўли транспортига тўғри келади.


### Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2019 йил январь- март	Жами ҳажмга нисбатан улуши, %	2018 йил январь- мартга нисбатан %
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>1 330,3</b>	<b>100,0</b>	<b>102,4</b>
темир йўл транспорти	5,2	0,4	103,8
автомобиль транспорти	1 304,9	98,0	102,2
ҳаво транспорти	0,7	0,06	134,7
шаҳар электр транспорти	19,5	1,5	113,0
<i>шундан:</i>			
метрополитен	18,2	1,4	112,3
трамвай	1,1	0,08	124,7
троллейбус	0,2	0,01	125,5
<b>Транспорт йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км</b>	<b>30 818,8</b>	<b>100,0</b>	<b>103,8</b>
темир йўл транспорти	1 021,1	3,3	100,8
автомобиль транспорти	27 309,4	88,6	102,1
ҳаво транспорти	2 344,7	7,6	129,6
шаҳар электр транспорти	143,6	0,5	113,1
<i>шундан:</i>			
метрополитен	132,8	0,4	112,3
трамвай	6,6	0,02	124,7
троллейбус	4,2	0,01	125,5

**Маълумот учун:** Қирғизистонда йўловчилар ташиш кўрсаткичи 161,6 млн. йўловчига тенг бўлди. Қозоғистонда 5519,3 млн. йўловчи ташилган.


Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспорти етакчилик қилмоқда. Унинг жами йўловчи ташиш ҳажмидаги улуши – 98,0 % ни ташкил этади.

**Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби, %**  
(2019 йил январь-март ойлари учун)



Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи ташиш 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 2,4 % га ошиб, 1 330,3 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 30,8 млрд. йўловчи-кмга етиб, 3,8 % га ошди.

**Йўловчи айланмасининг ўсиш суръати, %**  
(2019 йил январь-март ойлари учун)



Йўловчи айланмаси бўйича юкори ўсиш суръатлари ҳаво йўли транспортида – 129,6 % ва электр транспортида - 113,1 % кузатилди. Автомобиль транспортида бу кўрсаткич 102,1 % ни, темир йўл транспортида эса - 100,8 % ни ташкил этди.

### Темир йўл транспорти

2019 йил январь-март ойларида темир йўл транспорти орқали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 607,7 минг тонна кўп юклар ташилди. Темир йўл транспорти юк айланмаси 5390,3 млн. тонна-км га етди. Ўтган йилнинг мос даврида юк айланмаси 5510,3 млн. тонна-км ни ташкил этди.

#### Темир йўл транспортининг юк ва йўловчи айланмасини таққосланиши



Темир йўл транспортида йўловчи ташиш кўрсаткичи 191,7 минг кишига ошди. Темир йўл транспортида йўловчи ташиш 3,8 % га ўсди ва 5,2 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 1021,1 млн. йўловчи-км ни ташкил этди.

Таққослаш учун 2018 йил январь-март ойларида темир йўл транспорти йўловчи айланмаси 1012,7 млн. йўловчи-км га тенг бўлган.

Магистрал темир йўл транспорти орқали юкларни жўнатиш 3,6 % га ошиб, 17,3 млн. тоннани ташкил этди.

**Магистрал темир йўл транспортида ортилган  
асосий турдаги юклар кўрсаткичи  
(2019 йил январь-март ойлари учун)**

	<i>Ҳажми, минг тонна</i>	<i>Жами ҳажмга нисбатан улуши, %</i>	<i>2018 йил январь- мартга нисбатан %</i>
<b>Юклар – жами</b>	<b>17 278,9</b>	<b>100,0</b>	<b>103,6</b>
<i>шундан:</i>			
кўмир	1 116,4	6,5	79,0
нефть юклари	1 466,7	8,5	92,3
турли рудалар	1 339,1	7,8	103,0
қора металллар	280,8	1,6	138,6
қора металл парчалари	199,6	1,2	86,0
кимёвий ва минерал ўғитлар	1 025,0	5,9	117,7
қурилиш юклари	1 394,5	8,1	99,2
цемент	1 215,3	7,0	117,1
ёғоч юклари	28,9	0,2	6,3 м.
пахта толаси	90,5	0,5	165,8
дон ва ёрмалар	301,4	1,7	64,1
картошка, полиз маҳсулотлари ва хўл мевалар	53,5	0,3	-
бошқа юклар	8 767,2	50,7	108,4

Темир йўл транспорти орқали ўртача бир кунда юкларни жўнатиш 192,0 минг тоннани ташкил этди ёки 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 3,6 % га ошди. Бир тонна юк жўнатишнинг ўртача масофаси 312,0 км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасидан 5,6 % га паст бўлди.

### Автомобиль транспорти

Шунингдек, автомобиль транспорти юк ва йўловчиларни ташишда муҳим аҳамиятга эгадир. Автомобиль транспортининг юк айланмаси 4,1 % га ошиб, 2,8 млрд. т-км ни ташкил этди.


#### Автомобиль транспорти юк ва йўловчи айланмасининг таққосланиши



Автомобиль транспорти орқали 219,4 млн. тонна юк ташилди, бу 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 5,4 % га кўпдир.

**Ҳаво транспорти** орқали жўнатилган юклар 1,8 минг тоннани ташкил этиб, 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 56,6 % га паст бўлди. Юк айланмаси 20,5 % га камайиб, 22,3 млн. т-км ни ташкил этди.

### Ҳаво транспорти юк ва йўловчи айланмасининг таққосланиши



Ҳаво транспортида 734,1 минг киши ташилди, бу 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 34,7 % га кўпдир, йўловчи айланмаси эса 29,6 % га ошиб, 2344,7 млн. йўловчи-км ни ташкил этди.

Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2018 йил январь-март ойларидаги 80,9 % ўрнига 78,2 % ни ташкил этди, 1292 авиопарвоз кечиктирилган, 5 та авиопарвоз бекор қилинган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 4.2 ф.п. камайиб, 75,5 % ни ташкил этди (2018 йил январь-март ойларида – 79,7 %).

Ҳаво кемаларининг жами кечикиш вақти 1482 самолёт-соатни ташкил этиб, 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 72,5 % га кўпайган. Кечиктирилган парвозларнинг ўртача давомийлиги 23,7 % га ошиб, 69 минутни ташкил этди.

**Электр транспортида** 19465,3 минг йўловчи ташилиб, 2018 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 113,0 % ни ташкил этган. Электр транспортининг йўловчи айланмаси 143,6 млн. йўловчи-км ни ташкил этган бўлиб, бу 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 13,1 % га кўпдир.

Электр транспортида йўловчи ташиш (93,6 %) ва йўловчи айланмасида (92,5 %) энг юқори улуш метрополитен ҳиссасига тўғри келади.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 12,3 % га ошган.


Трамвайда 1092,3 минг йўловчи ташилган, бу 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 24,7 % га кўпдир. Трамвайнинг йўловчи айланмаси 6,6 млн. йўловчи-км ни ташкил этди.

**Электр транспортида йўловчи ташиш таркиби, %**  
(2019 йил январь-март ойлари учун)



Магистрал қувурлар орқали 18,7 млн. тонна газ қуйилган, бу 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 9,7 % га кўпдир. 2019 йил январь-март ойларида 13,0 минг тонна нефть қуйилган (40,8 % га кам). Магистрал қувурларнинг юк айланмаси 7,5 % га ошди ва 8,6 млрд. т-км ни ташкил этди.


**Қувур йўли транспортида юк ташиш таркиби**  
(2019 йил январь-март ойлари учун)



2019 йил январь-март ойларида йўл-транспорт ҳодисалари сони 1270 бирликни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 431 бирликга камайган (-25,3 %).

Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сони ҳам камаймоқда. 2019 йил январь-март ойларида жабр кўрганлар сони 1167 кишини ташкил этиб, 446 кишига (-27,7 %) камайиши кузатилди.

### Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сонининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши, киши



Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича энг паст кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (-148 киши), Тошкент (-89 киши), Наманган (-46 киши), Андижон (-36 киши), Навоий (-32 киши) ва Қашқадарё (-27 киши) вилоятларига тўғри келади.


Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сонининг ошиши Сирдарё вилоятида (2 киши) ва Қорақалпоғистон Республикасида (1 киши) қайд этилди.

## Алоқа ва коммуникация соҳаси

2019 йил январь-март ойларида алоқа хизматлари ҳажми 1966,5 млрд.сўмга тенг бўлди ва ўтган йилга нисбатан (амалдаги нархларда) 0,4 % га ошди.

Мобиль алоқа хизматлари (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмида 65,7 % ни ташкил этди ва 1292,6 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 1215,3 млрд. сўмга тенг бўлди.

### Алоқа хизматлари таркиби, % (2019 йил январь-март ойлари учун)



2018 йил январь-март ойларига нисбатан мобиль алоқа хизматлари 4,5 % га, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 0,1 % га камайди.

2019 йил 1 апрель ҳолатига мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони 21960,2 минг абонентни, шу жумладан аҳолида 21331,2 минг абонентни ташкил этди. Аҳолининг мобиль алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 64 бирликни ташкил этди.

2019 йил 1 апрель ҳолатига Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 555 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг умумий сони эса 351 бирликни ташкил этди.

2018 йил январь-март ойларига нисбатан, халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти 110,1 Гбит/с. дан 1200,0 Гбит/с. га ошди.